

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВА МУНИСАХОН МАЖИДОВНА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ВА МЕТАБОЛИК ДИСФУНКЦИЯ
МАВЖУД БЕМОРЛАРДА АСИММЕТРИК
ДИМЕТИЛАРГИНИННИНГ ДИАГНОСТИК АХАМИЯТИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махкамова Мунисахон Мажидовна

Юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция
мавжуд беморларда асимметрик диметиларгининнинг
диагностик ахамияти..... 3

Махкамова Мунисахон Мажидовна

Диагностическое значение асимметричного
диметиларгинина у пациентов с ишемической
болезнью сердца и метаболической дисфункцией..... 25

Makhkamova Munisakhon Majidovna

Diagnostic significance of asymmetric
dimethylarginine in patients with coronary
heart disease and metabolic dysfunction..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВА МУНИСАХОН МАЖИДОВНА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ВА МЕТАБОЛИК ДИСФУНКЦИЯ
МАВЖУД БЕМОРЛАРДА АСИММЕТРИК
ДИМЕТИЛАРГИНИННИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4510 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбанов Абдукодир Кенжаевич
тиббиёт фанлари доктори

Закирова Феруза Акилжановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.09.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил 23 июль соат 13.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57.

Диссертация автореферати 2026 йил «9 июль» да тарқатилди.
(2026 йил «9 июль» даги 105 рақамли реестр баённомаси)



Р.Д. Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Х.Г. Фозилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб этилганлиги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «... юрак-қон томир касалликлари дунё миқёсида ўлим сабаблари орасида барқарор равишда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.»¹ Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда юрак-қон томир касалликларидан 19 миллиондан ортиқ инсон вафот этган. Хар йили тахминан 9–10 миллион ўлим ҳолати юрак ишемик касаллигига тўғри келади, бу эса барча ўлим ҳолатларининг қарийб 13–16%ини ташкил этади». Юрак ишемик касаллиги метаболик дисфункция билан биргаликда келганда алоҳида клиник ва ижтимоий аҳамият касб этади; мазкур ҳолат инсулинрезистентлик, семизлик, дислипидемия ва сурункали яллиғланиш жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу ҳолат касаллик кечишини сезиларли даражада оғирлаштиради, атеросклероз ривожланиши учун шароит яратади, стандарт терапия самарадорлигини пасайтиради ҳамда прогноз ёмонлашишига сабаб бўлади.

Жаҳон миқёсида клиник ва эпидемиологик маълумотларга асосланган қатор тадқиқотлар юрак ишемик касаллиги билан метаболик бузилишлар ўртасида яқин ўзаро боғлиқлик мавжудлигини тасдиқламоқда. Метаболик синдром, семизлик, қандли диабет ва инсулин резистентлиги юрак ишемик касаллигининг кучли хавф омиллари сифатида қаралади ва айни вақтда кардиологик беморларда тез-тез учрайдиган ҳамроҳ ҳолатлардан бири ҳисобланади. Тўпланган маълумотлар семизлик ва қандли диабет тарқалишининг ортиши юрак ишемик касаллиги ва бошқа юрак-қон томир касалликлари ҳолатларининг кўпайишига бевосита таъсир кўрсатаётганини кўрсатади. Бу эса метаболик бузилишлар ва юрак ишемик касаллиги ўртасидаги патогенетик ўзаро боғлиқликларни ўрганиш зарурлигини асослайди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимини жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ [https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/cardiovascular-diseases-\(cvds\)](https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/cardiovascular-diseases-(cvds))

² 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

стратегияси», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Асимметрик диметиларгинин (АДМА) сўнгги йилларда, айниқса юрак қон томир касалликлари контекстида, эндотелиал дисфункция маркери сифатида фаол ўрганилмоқда. Кўплаб тадқиқотларда АДМА даражасининг ошиши атеросклероз, инсульт, миокард инфаркти ва умумий юрак-қон томир ўлим кўрсаткичининг ортиши билан боғлиқлиги кўрсатилган (do Carmo E.E.A., 2025; Suresh M.G. ва ҳаммуал., 2025). Хусусан, АДМА даражаси билан юрак ишемик касаллиги кечишининг оғирлик даражаси, чап қоринча отиш фракциясининг пасайиши ва нохуш клиник оқибатлар частотаси ўртасида ишончли боғлиқликлар аниқланган (Ktenopoulos N. ва ҳаммуал., 2024; Ogawa T. ва ҳаммуал., 2025).

Қатор маълумотлар метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллиги мавжуд беморларда, 2-тур қандли диабет ва семизлик каби бошқа метаболик бузилишлар мавжудлигидан қатъи назар, АДМА даражасининг юқорилигини кўрсатади (Ionescu V.A. ва ҳаммуал., 2025; Cai X. ва ҳаммуал., 2024). Тахмин қилинишича, АДМА эндотелиал дисфункция ривожланиш даражасини акс эттиради ва жигарнинг стеатоз касаллигида тизимли қон томир ўзгаришларининг эрта маркери сифатида хизмат қилиши мумкин (Minetti E.T. ва ҳаммуал., 2024). Бироқ ушбу соҳадаги ишларининг аксарияти экспериментал характерга эга ёки кичик танланмаларга асосланган бўлиб, олинган натижалар кўп ҳолларда бир-бирига зиддир (Toke N. ва ҳаммуал., 2024).

Шу билан бирга, юрак ишемик касаллиги ва метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллигининг бирга кечиши муаммоси АДМAnинг патогенездаги иштироки ва унинг эҳтимолий диагностик аҳамияти нуқтаи назаридан жуда чекланган даражада ўрганилган. Мавжуд ишлар тарқоқ характерга эга бўлиб, асосан алоҳида клиник ҳолатлар ёки беморлар субгурuhlларини тавсифлайди, барча ҳолларда ҳам метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллигининг замонавий ташҳис мезонларига (AASLD, 2023; EASL, 2021) риоя қилинмаган, шунингдек юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз

касаллигининг АДМА профилига таъсирини таҳлил қилиш деярли учрамайди (Zheng H. ва ҳаммуал., 2024). Юрак ишемик касаллиги мажуд беморларда метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллиги мавжуд ёки йўқлиги шароитида АДМAnинг диагностик қиймати ҳақида ишончли хулоса чиқариш имконини берадиган маълумотлар етарли эмас, бу эса коморбид патологияси бўлган беморларда ушбу биомаркерни клиник амалиётда қўллашни чеклайди (Driessen S. ва ҳаммуал., 2025).

Шу тариқа, қатор тадқиқотлар мавжуд бўлишига қарамасдан, юрак ишемик касаллигида метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллигининг эндотелиал дисфункция маркери-АДМА даражасига таъсири масаласи очиклигича қолмоқда. Муаммонинг етарли даражада ўрганилмаганлиги, аниқ стратификацион ёндашувларнинг йўқлиги ва стандартлаштирилган қиёсий таҳлилларнинг мавжуд эмаслиги мазкур тадқиқотни ўтказишни долзарблигини тасдиқлайди ҳамда илмий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг «Ноинфекцион касалликларни диагностика қилиш, даволаш ва профилактикасининг замонавий технологиялари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига (2025–2027 йй.) мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда асимметрик диметиларгинининг диагностик аҳамиятини баҳолаш ва уни эндотелиал ҳамда метаболик бузилишларни акс эттирувчи биомаркер сифатида хавф стратификациясидаги ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллигида АДМА даражасини ва чегаравий қийматларни аниқлаш;

юрак ишемик касаллиги хавф омилларининг АДМА даражасига таъсирини аниқлаш;

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда метаболик дисфункция мезонларининг учраш частотаси ва уни АДМА кўрсаткичи билан алоқадорлигини аниқлаш;

юрак ишемик касаллигида АДМА даражасининг метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллиги мавжудлиги ва оғирлик даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда АДМА даражасининг қон-томир структур бузилишлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда метаболик, эндотелиал ва гепатоген дисфункцияни аниқлашда АДМА даражасининг диагностик ва стратификацион аҳамиятини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти: Тадқиқотда Юрак ишемик касаллиги 1-2 функционал синфи ташхиси тасдиқланган 149 нафар бемор иштирок этди,

назорат гуруҳини ЮҚТК белгиларига эга бўлмаган амалий соғлом 20 нафар кўнгилли шахс ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анамнестик маълумотлар, клиник кўрув, лаборатор ва инструментал текширувлар, ҳамда биокимёвий текширувлар учун қон зардоби.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертацияда клиник, функционал, биокимёвий ва инструментал тадқиқот усуллари, шунингдек, математик ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юрак ишемик касаллигида АДМА тизимли эндотелиал дисфункциянинг юқори информатив интеграл биомаркери экани ва унинг даражаси соғлом шахсларга нисбатан 3,3 барабар юқори экани маҳаллий популяцияда аниқланган;

илк бор юрак ишемик касаллиги хавф омилларининг АДМА даражасига таъсири ўрганилиб, унинг метаболик хавф омиллари (дислипидемия, ТyG индекси, ТГ/ЮЗЛП нисбати, тана вазни индекси) билан ишончли ижобий корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

илк бор юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда АДМАнинг юқори даражаси метаболик синдром мезонлари учраш частотасининг ортиши, метаболик ассоцирланган жигар стеатоз касаллиги мавжудлиги ҳамда гепатоген дисфункция билан ижобий боғлиқлиги аниқланган;

илк бор юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция мавжуд беморларда АДМАнинг қон зардобидаги миқдорига асосланган ҳолда эндотелиал, метаболик ва гепатоген бузилишларни интегратив баҳолаш имконини берувчи клиник-патогенетик чегаравий қийматлар (cut-off) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда эндотелиал, метаболик ва гепатоген дисфункцияни эрта аниқлаш мақсадида АДМА текширувини клиник амалиётда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланган;

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда АДМА кўрсаткичининг қон зардобидаги чегаравий қийматлари, беморларни хавф даражалари бўйича дифференциация қилиш имконияти ҳамда клиник қарор қабул қилиш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти асосланган;

юрак ишемик касаллигида метаболик ва гепатоген бузилишларни прогнозлаш мақсадида АДМА кўрсаткичини қўллашнинг юқори диагностик самарадорлиги ва хавфни баҳолашдаги клиник-патогенетик аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материаллар ва кузатувлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда фойдаланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник,

лаборатор, биохимик ва статистик усуллар қўлланилгани, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда АДМАнинг эндотелиал, метаболик ва гепатоген дисфункция шаклланишидаги патогенетик роли кенгайтирилиб, унинг интеграл биомаркер сифатидаги аҳамияти илмий жиҳатдан асослаб берилгани ҳамда кардиометаболик ўзаро таъсир механизмлари ҳақидаги мавжуд илмий тасаввурлар кенгайтирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, АДМА даражасига асосланган ҳолда юрак ишемик касаллигида хавфни стратификация қилиш ва беморларни юритишнинг клиник-патогенетик модели ишлаб чиқилгани, бу эса эндотелиал ва метаболик дисфункцияни эрта аниқлаш, даволашни персоналлаштириш ҳамда юрак-қон томир асоратлари профилактикаси самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2026-йил 28-мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомасига асосан Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича № 05/28 сонли хулосасига биноан:

Биринчи илмий янгилик: илк бор юрак ишемик касаллигида АДМА тизимли эндотелиал дисфункциянинг юқори информатив интеграл биомаркери экани ва унинг даражаси соғлом шахсларга нисбатан 3,3 баравар юқори экани маҳаллий популяцияда аниқлангани Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-июндаги №06-25/623-т баённомаси билан тасдиқланган “Юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция мавжуд беморларда юрак-қон томир асоратларини прогнозлаш усулини яратиш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Ушбу таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази 14.07.2025-йилдаги 02/18 сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали 08.07.2025 -йилнинг 45- сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини клиник амалиётга жорий этиш юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда эндотелиал дисфункцияни эрта аниқлаш, юқори хавф гуруҳларини стратификация қилиш ва юрак-қон томир асоратлари ривожланишининг олдини олиш имконини беради. Бу эса беморларнинг ҳаёт сифати ва узоқ муддатли прогнозини яхшилашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* АДМАнинг юқори информатив биомаркер сифатида қўлланилиши юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункцияси мавжуд беморларда юрак-қон томир асоратларини эрта прогноз қилиш имконини бериб, қиммат инвазив текширувлар ва такрорий госпитализациялар сонини камайтиришга ёрдам беради. Натижада ташхис ва

даволаш билан боғлиқ тиббий харажатларни оптималлаштиришга эришилади. АДМА орқали эндотелиал дисфункцияни эрта аниқлаш ва юқори хавфли беморларда профилактик чораларни ўз вақтида қўллаш ҳисобига ҳар бир бемор йилига учун ўртача 500-800 минг сўм миқдорида умумий иқтисодий тежаш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик: илк бор юрак ишемик касаллиги хавф омилларининг АДМА даражасига таъсири ўрганилиб, унинг метаболик хавф омиллари (дислипидемия, TuG индекси, ТГ/ЮЗЛП нисбати, тана вазни индекси) билан ишончли ижобий корреляцион боғлиқлиги аниқлангани Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-июндаги №06-25/623-т баённомаси билан тасдиқланган “Юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция мавжуд беморларда юрак-қон томир асоратларини прогнозлаш усулини яратиш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази 14.07.2025-йилдаги 02/18 сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали 08.07.2025 -йилнинг 45-сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган.

Ижтимоий самарадорлиги: Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда АДМАнинг метаболик хавф омиллари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш юқори хавф гуруҳларини эрта босқичда стратификация қилиш, профилактик чораларни индивидуаллаштириш ва юрак-қон томир асоратларининг ривожланиш хавфини камайтириш имконини беради. Бу аҳоли ўртасида ногиронлик ва эрта ўлим кўрсаткичларини пасайтиришга хизмат қилади.

Иқтисодий самарадорлиги: TuG индекси, ТГ/ЮЗЛП нисбати ва тана вазни индекси билан боғлиқ ҳолда АДМАни баҳолаш орқали юрак ишемик касаллиги асоратлари хавфини эрта прогноз қилиш имконияти яратилади. Бу эса қўшимча қиммат диагностик текширувларга эҳтиёжни қисқартириш, стационар даволанишлар сонини камайтириш ҳамда соғлиқни сақлаш тизими харажатларини оптималлаштиришга ёрдам беради ва қўшимча диагностик текширувлар эҳтиёжини камайтириш ҳисобига ҳар бир бемор учун йилига ўртача 400–500 минг сўм миқдорида умумий иқтисодий тежаш имконини беради.

Учинчи илмий янгилик: илк бор юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда АДМАнинг юқори даражаси метаболик синдром мезонлари учраш частотасининг ортиши, метаболик ассоцирланган жигар стеатоз касаллиги мавжудлиги ҳамда гепатоген дисфункция билан ижобий боғлиқлиги аниқлангани Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-июндаги №06-25/623-т баённомаси билан тасдиқланган “Юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция мавжуд беморларда юрак-қон томир асоратларини прогнозлаш усулини яратиш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази 14.07.2025-йилдаги 02/18 сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий

амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали 08.07.2025 -йилнинг 45-сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда АДМА даражасининг метаболик синдром мезонлари ва метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллиги билан боғлиқлигини аниқлаш коморбид патологияси бўлган беморларни эрта идентификация қилиш, хавфни индивидуал баҳолаш ва профилактик чораларни кучайтириш имконини беради. Бу эса юрак-қон томир асоратлари ривожланишини камайтириш, беморлар ҳаёт сифати ва узоқ муддатли прогнозини яхшилашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллиги нинг АДМА даражаси ошиши билан боғлиқ мустақил прогностик омил сифатида аниқланиши юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда юқори хавфли гуруҳларни эрта босқичда саралаш имконини беради. Натижада қўшимча асоратларнинг олдини олиш, такрорий госпитализациялар ва қиммат инвазив текширувлар сонини қисқартириш орқали тиббий харажатларни оптималлаштиришга эришилади. Метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллиги ва юқори АДМА даражасига эга беморларни эрта идентификация қилиш орқали такрорий госпитализациялар ва асоратлар хавфини камайтириш ҳисобига ҳар бир бемор учун йилига ўртача 1,0–1,2 миллион сўм иқтисодий тежамкорликка эришиш мумкин.

Тўртинчи илмий янгилик: илк бор юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция мавжуд беморларда АДМАНинг қон зардобидоги микдорига асосланган ҳолда эндотелиал, метаболик ва гепатоген бузилишларни интегратив баҳолаш имконини берувчи клиник-патогенетик чегаравий қийматлар (cut-off) аниқлангани Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-июндаги №06-25/623-т баённомаси билан тасдиқланган “Юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция мавжуд беморларда юрак-қон томир асоратларини прогнозлаш усулини яратиш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази 14.07.2025-йилдаги 02/18 сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали 08.07.2025 -йилнинг 45-сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган прогностик модель ва клиник-патогенетик стратификация алгоритми юрак ишемик касаллиги ва метаболик дисфункция мавжуд беморларда эндотелиал, метаболик ҳамда гепатоген бузилишларни комплекс баҳолаш имконини беради. Бу юқори хавф гуруҳларини эрта аниқлаш, профилактик ва диагностик чораларни индивидуаллаштириш ҳамда юрак-қон томир асоратлари ривожланишини камайтиришга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* АДМАга асосланган интегратив стратификация алгоритмини клиник амалиётга жорий этиш беморларни саралаш ва прогнозлаш самарадорлигини оширади, ортиқча диагностик текширувлар ҳамда такрорий госпитализациялар сонини қисқартириш имконини беради. АДМАга

асосланган прогностик модель ва клиник-патогенетик стратификация алгоритмини қўллаш натижасида ташхис ва мониторингни оптималлаштириш ҳисобида ҳар бир бемор учун йилига ўртача 1,5–1,8 млн сўм иқтисодий самара олиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда, чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта асосий боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга эҳтиёж асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ҳамда технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

I боб. “Юрак ишемик касаллиги патогенези ва асимметрик диметиларгинининг патофизиологик роли ҳақида замонавий қарашлар” деб номланган адабиётлар шарҳидан иборат бўлиб, унда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) патогенезида эндотелиал ва метаболик дисфункциянинг ўрни, шунингдек АДМАнинг биологик ролига оид замонавий адабиётлар ва йирик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. АДМАнинг азот оксиди синтезига таъсири, эндотелиал дисфункция ривожланишидаги аҳамияти ва унинг кардиометаболик хавф омиллари билан ўзаро боғлиқлигига оид илмий маълумотлар тизимлаштирилган.

II боб. Тадқиқот материал ва методлари деб номланган ва унда беморларнинг умумий тавсифи, клиник, лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари, ҳамда олинган натижаларни статистик қайта ишлаш маълумотлари келтирилган.

Мазкур тадқиқот аналитик, бир марталик (cross-sectional) шаклда ўтказилиб, беморлар 1.01.2024-1.06.2025 муддатда Тошкент давлат тиббиёт университети Кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази “Кардиодиабет ва метаболик бузилишлар” бўлими базасида йиғилди. Тадқиқотда ЮИК I–II функционал синф (ФС) ташхиси тасдиқланган 149 нафар бемор иштирок этди. Назорат

гуруҳини ЮҚТК белгисиз, амалий соғлом 20 нафар кўнгилли шахс ташкил этди.

Тадқиқотга қўйиш мезонлари: ЮИК Барқарор зўриқиш стенокардияси I-II ФС тасдиқланган; бемор ёши 35 - 70 ёш; тадқиқотда иштирок этиш учун беморнинг розилиги; *Тадқиқотдан четлатиш мезонлари:* Ностабил стенокардия, ўткир коронар синдром ёки ўтказилган миокард инфаркти; NYHA бўйича III–IV ФС СЮЕ ёки ЧҚ ОФ <40%; КФТ<60 мл/мин/1,73м² бўлган беморлар; АДМА миқдори ёки эндотелий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган оғир ҳамроҳ патологиялар: сурункали буйрак касаллиги, жигарнинг оғир сурункали касалликлари, фаол онкологик касалликлар, яққол намоён бўлган тизимли яллиғланиш ёки аутоиммун касалликлар; декомпенсация босқичидаги 1 ва 2-тур қандли диабет ташхиси тасдиқланганлиги; тадқиқотдан 4 ҳафта олдин АДМА метаболизмига таъсир қилувчи препаратларни қабул қилганлик.

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар ўртача ёши 58,04±0,57 ёшни ташкил этди. Жинс кўрсаткичларида аёллар сонининг статистик аҳамиятли устунлиги аниқланди- аёллар-88 (59,06%), эркеклар-61 (40,94%) ($\chi^2=4,893$; $p=0,027$). ЮИК клиник шакллари таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, беморларнинг аксарияти II ФСга мансуб - 145 нафар (97,32%), ва фақат 4 беморда (2,68%) I ФС аниқланди ($\chi^2= 133,430$; $p<0,001$). Беморларда ЮИКнинг ўртача давомийлиги 4,07±0,09 йилни ташкил этди. (1-жадвал)

1-жадвал

Беморларнинг клиник-демографик тавсифи (n=149)

Кўрсаткич	Беморлар (n=149)	
	abs	M%
Ёш, йиллар	58,04±0,57	
Жинс, эркек	61	40,94%
Жинс, аёл	88	59,06%
ЮИК ФС 1	4	2,68%
ЮИК ФС 2	145	97,32%
p	$\chi^2=4,893$; $p=0,027^*$	
ЮИК стажи, йилларда	4,07±0,09	
ТВИ, кг/м ²	31,21±0,48	
Сон айланаси, см	88,93±0,4	
Бел айланаси, см	97,02±0,41	
БСН*=БА (см)/СА (см)	0,92±0,002	
САҚБ, мм.сим.уст.	117,55±1,1	
ДАҚБ, мм.сим.уст.	76,14±0,69	
ЧҚ ОФ, %	62,43±0,5	

**Изоҳ: ТВИ – тана вазни индекси; САҚБ – систолик артериал қон босими; ДАҚБ – диастолик артериал қон босими; ЧҚ ОФ – чап қоринча отиш фракцияси; БСН – бел ва сон айланалари нисбати;*

p<0,05 бўлган ҳолда фарқлар статистик аҳамиятли деб ҳисобланди.

149 нафар беморнинг 71,8%ида метаболик синдромнинг (МС) абдоминал семизлик шаклидаги мезони қайд этилди. Липид алмашинуви бузилиши 33,6% беморларда триглицеридлар (ТГ) даражасининг 1,7

ммоль/лдан юқори бўлиши, 61,7% беморларда ЮЗЛП даражасининг пасайиши билан характерланди. АГ 58,4% беморларда, углевод алмашинуви бузилиши гипергликемия ($\geq 5,6$ ммоль/л) ёки ҚД кўринишида 38,3% беморларда кузатилди. Умумий ҳисобда МС (кўрсаткичлардан ≥ 3 таси) 62,4% беморда мавжуд бўлиб, бу ушбу когортда метаболик дисфункция кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Ҳамроҳ патология структурасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 58,4% беморда АГ, 38,3% беморда ҚД2 ва 73,2% беморда дислипидемия аниқланган. 38,9% беморда ортиқча тана вазни кузатилган, 54,4% беморда эса турли даражадаги семизлик мавжуд бўлган, шунингдек семизликнинг I даражаси энг кўп учраган (37,6%). Жигарнинг ультратовуш текшируви натижаларига кўра, 51,7% беморда стеатоз аниқланмаган; 48,3% беморда жигар стеатоз инфильтрация белгилари мавжуд: S1–11,4%, S2–22,8%, S3–14,1%. Умумий таҳлил шуни кўрсатдики, МС 62,4% беморда учраган, метаболик ассоцирланган жигарнинг стеатоз касаллиги (МАЖСК) белгилари эса 48,3% беморда аниқланди.

Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида ЮИК мавжуд беморлар икки гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳ – МАЖСК тасдиқланган 72 нафар бемор, солиштирма гуруҳ – МАЖСК белгилари мавжуд бўлмаган 77 нафар бемор.

Барча беморларда анамнестик маълумотлар, физикал кўрик натижалари, қоннинг биокимёвий таҳлиллари, жумладан махсус текшируви – АДМА даражаси, липид ва углевод алмашинуви, коагулограмма кўрсаткичлари баҳоланди. Инструментал текширувлар доирасида электрокардиограмма, эхокардиография, велоэргометрия, тредмилл тести, уйқу артериялари ва жигарнинг ультратовуш текшируви ўтказилди. Олинган натижалар замонавий тиббий-статистик усуллар ёрдамида қайта ишланиб, корреляцион ва регрессион таҳлиллар асосида баҳоланди.

III-боб. Тадқиқот натижалари. Юрак ишемик касаллигида асимметрик диметиларгинин юқори даражаси шаклланишида патогенетик механизмлар ва клиник-метаболик хусусиятлар. Боб 4 та кичик бўлимдан иборат.

Биринчи кичик бўлим ЮИК мавжуд беморларда эндотелиал дисфункция ривожланиши хавф гуруҳларини ажратган ҳолда АДМА даражаси кўрсаткичларини аниқлашга бағишланди. Унда асосий гуруҳни ЮИК мавжуд 149 нафар бемор, назорат гуруҳи эса жинс ва ёш бўйича мувофиқ келувчи 20 нафар соғлом кўнгилли ташкил этди.

Бирламчи натижаларга кўра, АДМА концентрацияси ортиши билан ЭД ривожланиш эҳтимоли ишончли тарзда ошади. Жумладан, АДМAnинг ўртача ошган даражасида (121–160 нг/мл) OR- 8,6 ни ташкил этди (95% CI: 1,8–41,2; $p < 0,01$), бу эса референс гуруҳга нисбатан субклиник ЭД хавфининг сезиларли даражада ошишини кўрсатади. АДМAnинг юқори қийматларида (> 160 нг/мл) OR-114,8 гача ошди (95% CI: 6,8–1935,0; $p < 0,001$), бу эса яққол намоён бўлган ЭД мавжудлиги эҳтимолининг жуда юқори эканлигини кўрсатади (2-жадвал).

Асосий гуруҳдаги беморларда АДМА кўрсаткичининг ўртача даражаси назорат гуруҳига нисбатан 3,3 баробар юқори бўлиб, мос равишда $374,1 \pm 21,0$ нг/мл ва $112,5 \pm 8,0$ нг/мл ташкил қилди ($p < 0,001$).

2-жадвал

АДМАнинг турли даражаларида оғир ЭД хавфи учун шанслар нисбати (OR) ва 95% ишонч оралиғи (CI)

АДМА даражаси	АДМА концентрацияси, нг/мл	OR	95% CI	p
Меъёр (референс категория)	≤120	1,0	—	—
Ўртача ошган даража (субклиник ЭД)	121–160	8,6	1,8–41,2	<0,01
Юқори даража (яққол ЭД)	>160	114,8	6,8–1935,0	<0,001

*Изоҳ. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли.

Беморларда АДМА даражасининг ошиши ЭД ривожланиш эҳтимолининг ишончли равишда ортиши билан боғлиқ экани аниқланди. АДМА даражалари категориялари бўйича беморларнинг тақсимотини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот гуруҳларида эндотелиал хавф профили мутлақо фарқли экани аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Беморларнинг АДМА даражалари бўйича тақсимооти

Кўрсаткич	Беморлар, n=149	Назорат гуруҳи, n=20	p
АДМАнинг ўртача даражаси, нг/мл (M±m)	374,1±21,0	112,5±8,0	<0,001
Меъёр (паст эндотелиал хавф)	20 (13,4%)	18 (90,0%)	<0,001
Ўртача ошган даража (субклиник ЭД)	19 (12,8%)	2 (10,0%)	>0,05
Юқори даража (яққол ЭД)	110 (73,8%)	0 (0,0%)	<0,001

*Изоҳ. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли.

АДМАнинг ўрта даражаси, яъни субклиник ЭД, асосий гуруҳдаги 19 нафар (12,8%) ва назорат гуруҳидаги 2 нафар беморда (10,0%) қайд этилди; ушбу кўрсаткич бўйича гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$). Бу ҳатто айрим соғлом шахсларда ҳам бошланғич эндотелиал бузилишлар мавжудлигини англатади. Хулоса қилганда, келтирилган маълумотлар ЮИК беморларда АДМА концентрациясининг тақсимооти юқори қийматлар томон кескин силжиши ва юқори эндотелиал хавф гуруҳига мансуб шахсларнинг устунлиги билан характерланишини кўрсатади.

Иккинчи кичик бўлим беморларда ЮИК хавф омилларининг мавжудлиги ва ифодаланиш даражасига боғлиқ ҳолда АДМА даражасини ўрганишга асосланган. Ўтказилган тадқиқотда АДМА даражасининг таҳлили ЮИК хавф омилларининг модификация қилинмайдиган (ёш, жинс, оилавий анамнез) ва модификацияланадиган турлари (АГ, КД2, атероген дислипидемия, семизлик ва чекиш)ни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

ЮИК хавф омилларини таҳлил қилиш натижасида, асосий гуруҳдаги беморларнинг клиник-метаболик профили хусусиятларини акс эттирувчи бир қатор статистик аҳамиятли фарқлар аниқланди. Жумладан, модификация қилиб бўлмайдиган хавф омиллари орасида ҳар икки гуруҳ беморларнинг ўртача ёши ўртасида аниқланган фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди (асосий гуруҳда $58,14 \pm 0,82$ ёш, солиштирма гуруҳда $57,95 \pm 0,80$ ёш;

$p=0,005$). Гендер таркиби таҳлили кўрсатишича, асосий гуруҳдаги беморларга нисбатан солиштирма беморлар гуруҳида эркаклар улуши ишончли равишда юқори эди ($\chi^2=3,33$; $p=0,005$). Юрак қон томир касалликлари бўйича оилавий анамнезнинг учраш частотаси солиштирилаётган гуруҳларда сезиларли фарқ қилмади ($\chi^2=0,38$; $p=0,538$), бу ирсий омил таъсири ҳам ўхшаш эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот гуруҳларидаги ЮИКнинг модификацияланадиган хавф омилларини баҳолашда гуруҳлар орасида яққол фарқлар аниқланди. Артериал гипертония (АГ) асосий гуруҳ беморларда, сезиларли частотада қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич изолирланган ЮИКли беморларга нисбатан юқори эди (73,61% ва 44,16%; $\chi^2=13,29$; $p<0,001$). Бу гипертоник компонентнинг мазкур тоифа беморларда нохуш профил шаклланишидаги ҳиссасини тасдиқлайди. Шунингдек, атероген дислипидемия учун ҳам ўхшаш тенденция кузатилди: унинг тарқалиши асосий гуруҳда ишончли равишда юқори бўлиб чиқди (80,56% ва 66,23%; $\chi^2=3,89$; $p<0,05$). ҚД2 тарқалиши ҳар икки гуруҳда ҳам юқори бўлиб, улар орасида сезиларли фарқ кузатилмади (40,28% ва 36,36%). Бу МАЖСК мавжуд ёки йўқлигидан қатъи назар, углевод алмашинуви бузилишларининг ЮИК патогенезидаги муҳим ролини кўрсатади. Чекиш изоляцияланган ЮИКли беморларда кўпроқ қайд этилган (9,09% ва 1,39%), аммо аниқланган фарқлар статистик аҳамият даражасига етмади ($p>0,05$). Семизлик учраши гуруҳлар орасини фарқланувчи асосий омиллардан бири бўлиб, асосий гуруҳдаги беморларда у ишончли равишда кўпроқ частотада учраган (66,67% ва 42,86%; $\chi^2=8,50$; $p=0,0035$). Бу мазкур тоифа беморларда клиник фенотип шаклланишида метаболик бузилишларнинг етакчи роль ўйнашини тасдиқлайди.

4-жадвал

АДМА даражаларига кўра хавф омилларининг тақсимооти


Гуруҳлар	Хавф омиллари	≤ 120 (n=0)	121–160 (n=5)	>160 (n=67)
ЮИК+ МАЖСК	Артериал гипертония, n (%)	–	3 (60,00)	50 (74,63)
	Семизлик, n (%)	–	4 (80,00)	44 (65,67)
	ҚД2, n (%)	–	2 (40,00)	30 (44,78)
	Дислипидемия, n (%)	–	4 (80,00)	54 (80,60)
	Чекиш, n (%)	–	2 (40,00)	15 (22,39)
	≥ 3 хавф омиллари, n (%)	–	4 (80,00)	43 (64,18)
ЮИК	Хавф омиллари	≤ 120 (n=19)	121–160 (n=15)	>160 (n=43)
	Артериал гипертония, n (%)	6 (31,58)	7 (46,67)	21 (48,84)
	Семизлик, n (%)	7 (36,84)	9 (60,00)	17 (39,53)
	ҚД2, n (%)	5 (26,32)	5 (33,33)	15 (34,88)
	Дислипидемия, n (%)	13 (68,42)	8 (53,33)	30 (69,77)
	Чекиш, n (%)	4 (21,05)	1 (6,67)	18 (41,86)
	≥ 3 хавф омиллари, n (%)	5 (26,32)	6 (40,00)	21 (48,84)

Юрак-қон томир хавфи юқини интеграл баҳолаш шундай кўрсатдики, ҳар бир беморга тўғри келадиган ЮИК хавф омилларининг ўртача сони

солиштирув гуруҳга нисбатан асосий гуруҳда сезиларли даражада юқори эди ($2,63 \pm 0,11$ ва $1,99 \pm 0,12$; $p < 0,05$). Бу ЮИК ва МАЖСК биргаликда кечган беморларда модификацияланадиган хавф омилларининг кластер тарзда яққолроқ намоён бўлишини кўрсатади ҳамда ЭД ва атеросклероз жараёнининг ривожланиши учун нохуш шароит яратади.

АДМА даражасининг хавф омиллари мавжудлигига боғлиқ ҳолда таҳлили шуни кўрсатдики, ЭД оғирлик даражаси аввало қон-томир ва липид компонентлари билан белгиланади. АГ мавжуд беморларда ушбу омил мавжуд бўлмаганларга нисбатан АДМА даражаси ишончли равишда юқори эди ($423,7 \pm 29,0$ нг/мл ва $311,9 \pm 29,5$ нг/мл; $p = 0,006$). Шунингдек, атероген дислипидемия мавжудлигида ҳам ўхшаш қонуният аниқланди; у АДМА даражасининг статистик жиҳатдан сезиларли ошиши билан кечди ($408,2 \pm 24,6$ нг/мл ва $294,2 \pm 40,5$ нг/мл; $p < 0,05$). Шу билан бирга, семизлик ҚД2 ва чекиш каби омилларнинг мавжудлиги АДМА даражасининг ишончли ўзгаришлари билан боғлиқ эмас эди (барча қиёслашлар учун $p > 0,05$). (4-жадвал).

АДМА даражасига боғлиқ ҳолда ЮИК хавф омилларининг тақсимотини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморлар АДМА даражалари юқори қийматлар томон силжиши билан характерланади; АДМА даражаси ортиб бориши (айниқса >160 нг/мл) билан асосий гуруҳда АГ, семизлик ва ≥ 3 хавф омиллари комбинациясининг энг юқори тарқалиши кузатилди. Изолирланган ЮИК гуруҳида шунга ўхшаш ўзгаришлар камроқ яққол намоён бўлди. (1-расм)



1-расм. Гуруҳларда ЮИК хавф омиллари учрашининг солиштирма таҳлили

Кўп омилли логистик регрессия таҳлили натижаларига кўра, АДМAnинг >160 нг/мл даражада қайд этилиши АГ ($OR=2,41$; 95% CI 1,18–4,92; $p=0,01$),

дислипидемия (OR=2,03; 95% ДИ 1,01–4,09; p=0,04) ҳамда ЮИК ва МАЖСКнинг биргаликда кечиши (OR=2,87; 95% CI 1,39–5,93; p=0,004) билан мустақил равишда боғлиқ эканлиги аниқланди.

Ўтказилган таҳлил натижалари ЮИК мавжуд беморларда АДМА даражаси анъанавий юрак-қон томир ва метаболик хавф омилларининг мавжудлиги ва уларнинг намоён бўлиш даражаси билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди. Энг юқори АДМА қийматлари АГ, дислипидемия ва семизлик биргаликда учраган беморларда, шунингдек, умумий хавф омиллари сони ортиб бориши билан кузатилди; бу ЭД кучайишини акс эттиради. ЮИК ва МАЖСК биргаликда келган беморлар кўпроқ нохуш қон-томир ва метаболик фенотипга ҳамда АДМА даражасининг юқори қийматлар зонасига силжишига эга эканлиги аниқланди.

Учинчи кичик кичик боб - Беморларда асимметрик диметиларгинин даражасига боғлиқ ҳолда метаболик дисфункция мезонлари учраш частотасини аниқлашга бағишланган. Таҳлил натижалари ЮИК мавжуд беморларда МС мезонларининг юқори частотада тарқалганлигини кўрсатди. Абдоминал семизлик 71,8% ҳолатда қайд этилиб, етакчи етакчи сифатида намоён бўлди (p<0,001). Шунингдек, ЮЗЛП паст даражаси (61,7%), артериал гипертензия (58,4%), гипергликемия (38,3%) ва гипертриглицеридемия (33,6%) юқори частотада учради. Метаболик синдром (≥ 3 мезон) 62,4% беморларда аниқланиб, ЮИК фонида нохуш кардиометаболик фон шаклланганлигини тасдиқлади.

5-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги ЮИК беморларининг антропометрия хусусиятлари ва семизлик кўрсаткичлари

Параметр		Асосий гуруҳ (ЮИК+МАЖСК), n=72	Солиштирма гуруҳи (ЮИК), n=77	p
Тана массаси, кг		90,6±2,18*	79,97±1,0	<0,05*
Бўй, см		164,46±0,86***	166,09±0,7	<0,001
ТВИ, кг/м ²		33,6±0,85*	28,99±0,32	<0,05
Семизлик даражаси	Ортиқча вазн (25–29,9)	24 (33,33%)	44 (57,14%)	$\chi^2=$ 38,364; p = 0,001
	I даража (30–34,9)	24 (33,33%)	32 (41,56%)	
	II даража (35–39,9)	15 (20,83%)	1 (1,30%)	
	III даража (≥ 40)	9 (12,5%)	0 (0%)	
Бел айланаси, см		89,58±0,51	88,45±0,6	<0,05
Сон айланаси, см		97,41±0,55	96,65±0,62	
Бел-сон нисбати		0,92±0,00	0,92±0,00	-
Абдоминал семизлик, n (%)		57 (79,17%)	50 (64,94%)	<0,05

*Изоҳ. Фарқлар p<0,05 бўлганда статистик аҳамиятли.

Антропометрик кўрсаткичлар таҳлили ЮИК ва МАЖСК бирга кечаётган беморларда тана вазни ва тана вазни индекси сезиларли юқори эканлигини кўрсатди (p <0,05). (5-жадвал)

ТyG индексини баҳолашда асосий гуруҳда инсулинрезистентлик (ИР)нинг юқори хавфи (ТyG >8,8) устунлиги аниқланди - 54,17% ни (n=39)

ташкил этди. Ўртача хавф (TyG 8,3–8,8) гуруҳига беморлар улуши 30,56% (n=22) тўғри келди, кам хавф (TyG <8,3) эса фақат 15,28% (n=11) беморларда кузатилди. Солиштирма гуруҳда TyG индексининг тақсимот тузилиши ўхшаш кўринишда эди: ИРнинг юқори хавфи 55,84% (n=43) беморда, ўртача хавф – 37,66% (n=29), паст хавф – 6,49% (n=5) беморда қайд этилди. ТГ/ЮЗЛП индекси таҳлили яққолроқ гуруҳлараро фарқларни кўрсатди. Асосий гуруҳда беморларнинг кўпчилиги паст метаболик хавф тоифасига (ТГ/ЮЗЛП <1,7) мансуб – 62,5% (n=45), бироқ юқори метаболик хавф (ТГ/ЮЗЛП >2,5) гуруҳи улуши 8,33% (n=6) ни, ИР юқори эҳтимолига ишора қилувчи ТГ/ЮЗЛП ≥3,0 тоифаси эса 4,17% (n=3) беморни ташкил этди. Гуруҳ ичидаги тақсимот фарқлари статистик жиҳатдан аҳамиятли эди ($\chi^2=61,0$; $p<0,001$). Солиштирма гуруҳида паст метаболик хавф (67,53%; n=52) ва ўртача хавф (20,78%; n=16) категорияларидаги беморлар устунлик қилди. (6-жадвал)

6-жадвал

TyG ва ТГ/ЮЗЛП индекс категориялари бўйича беморлар тақсимоти (инсулинрезистентлик хавфи)

Параметр	Тадқиқот гуруҳлари			
	Асосий гуруҳ (ЮИК+МАЗСК), n=72		Солиштирма гуруҳи (ЮИК), n=77	
	abs	М%	abs	М%
Категория TyG				
< 8,3 (паст хавф)	11	15,28%	5	6,49%
8,3–8,8 (ўрта хавф)	22	30,56%	29	37,66%
> 8,8 (юқори хавф)	39	54,17%	43	55,84%
p	$\chi^2=16,583$; p=0,001		$\chi^2=28,779$; p=0,001	
ТГ/ЮЗЛП				
<1,7 Паст метаболик хавф	45	62,5%	52	67,53%
1,7–2,5 Ўрта метаболик хавф	18	25%	16	20,78%
>2,5 Юқори метаболик хавф	6	8,33%	0	0%
≥3,0 Юқори эҳтимолли ИР	3	4,17%	9	11,69%
p	$\chi^2=61,000$; p=0,001		$\chi^2=41,481$; p=0,001	

*Изоҳ. Фарқлар $p<0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли.

ROC-таҳлил натижаларига кўра, TyG индекс (AUC=0,76) ва ТГ/ЮЗЛП (AUC=0,73) индекслари юқори АДМА даражасини аниқлашда яхши диагностик қийматга эга экани аниқланди. (7-жадвал)

7-жадвал.

TyG ва ТГ/ЮЗЛП индекс категориялари бўйича ROC таҳлили натижалари


Кўрсаткич	AUC	95% ИО	Чегара (cut-off)	Сезувчанли к, %	Сезгирлик, %	p
TyG	0,76	0,69–0,83	≥ 8,6	74,0	70,5	<0,001*
ТГ/ЮЗЛП	0,73	0,65–0,81	≥ 2,3	71,8	66,7	<0,001*

*Изоҳ. Фарқлар $p<0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли.

Тўртинчи кичик бўлимда ЮИК мавжуд беморларда АДМА даражасининг висцерал жигар патологияси – МАЖСК ривожланишидаги прогностик аҳамияти ўрганилди.

Ультратовуш текширувида жигар ўлчамлари ва гемодинамик кўрсаткичларнинг асосий гуруҳда ишончли юқори экани аниқланди ($p < 0,05 - 0,001$). Жигар стеатози 51,7% ҳолатда қайд этилди, МАЖСК ташхиси эса 48,3% беморларда қўйилди.


FIB-4 индекси бўйича таҳлил натижалари МАЖСК билан бирга кечаётган ЮИК жигар фибрози шаклланишининг тенденцияли равишда ошишини намоён қилди. (2-расм)




2-расм. Гуруҳларда FIB4 индекси бўйича беморларнинг солиштирма таҳлили

Биокимёвий цитоллиз маркерларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда (ЮИК+МАЖСК) аланинаминотрансфераза (АЛТ) ва аспартатаминотрансфераза (АСТ) қийматлари солиштирма гуруҳга нисбатан юқорироқ эди. Асосий гуруҳда АЛТ даражаси $34,75 \pm 6,28$ Ед/л бўлиб, солиштирма гуруҳи учун бу кўрсаткич $24,96 \pm 1,78$ Ед/л ни ташкил қилди, АСТ эса тегишлича $25,14 \pm 5,44$ ва $19,36 \pm 1,15$ Ед/л даражада бўлди.

АДМА даражаси ЮИК ва МАЖСК бирга келган беморларда ишончли юқори бўлиб ($508,9 \pm 31,1$ ва $248,1 \pm 19,8$; $p < 0,001$), оғир эндотелиал дисфункция устунлиги аниқланди. Юқори АДМА (>160 нг/мл) асосий гуруҳда 93,1% ҳолатда қайд этилди. (3-расм) ROC-таҳлил ЮИК мавжуд беморларда МАЖСКни аниқлашда АДМА даражасининг юқори диагностик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди ($AUC=0,81$; 95% ДИ 0,74–0,88; $p < 0,001$). АДМА >160 нг/мл оптимал чегара қиймати юқори сезувчанликка эга бўлиб (93,1%), махсуслиги ўртача даражада бўлди, бу АДМАни кардиометаболик бузилишлар тузилмасида висцерал жигар патологиясининг сезувчан маркери сифатида қараш имконини беради. Хавф таҳлили МАЖСК мавжудлиги АДМА юқори даражаси эҳтимолини 8,5 баробар оширишини кўрсатди ($p < 0,001$).



3-расм. ЮИКли беморларда МАЖСК мавжудлигига қараб АДМА даражасининг ўртача қийматлари.



4-расм. ЮИК беморларда МАЖСКни аниқлаш учун АДМА даражасининг ROC-эгрилиги таҳлили.

ROC-таҳлил натижаларига кўра, АДМА юқори диагностик аҳамиятга эга бўлиб ($AUC=0,81$), >160 нг/мл чегара қиймати юқори сезувчанлик (93,1%) билан тавсифланди. (4-расм)

Тўртинчи боб Юрак ишемик касаллигида АДМAnинг клиник-диагностик ва стратификацияловчи аҳамиятига бағишланади. Унинг биринчи кичик боби АДМА даражасининг қон томирлардаги структур ўзгаришлар билан боғлиқлигини ўрганишга бағишланади. Таҳлил натижалари қон томирлардаги структур ўзгаришлар белгилари юқори тарқалганлигини кўрсатди: интима-медиа комплекси ($ИМК \geq 0,9$ мм) қалинлашуви 50,3% беморларда аниқланди, атеросклеротик пиллакчалар эса 16,8% ҳолатда қайд этилди. ИМКнинг ўртача қиймати $1,10 \pm 0,02$ мм ни ташкил этди. ЮИК ва МАЖСК бирга кечаётган беморларда ИМК қалинлашуви ишончли юқори бўлиб (62,5% ва 38,96%; $p=0,004$), қон томирлардаги структур ўзгаришларнинг юқори частотада учраши аниқланди. (8-жадвал)

8-жадвал

ЮИК мавжуд беморларда эндотелиал функция ва қон томирлардаги структур ўзгаришлар кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткич	Тадқиқот гуруҳлари				χ^2	p
	Асосий гуруҳ (ЮИК+МАЖСК), n=72		Солиштирма гуруҳи (ЮИК), n=77			
	M±m%		M±m%			
ИМК қалинлиги, мм	1,15±0,04		1,0±0,03			
ИМК қалинлашган, %	45	62,5	30	38,96	8,247	0,004*
Атеросклеротик пилакчалар, %	15	20,83	10	12,99	1,641	0,02

*Изоҳ. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли.

АДМА даражаси қон томир девори шикастланиш даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ экани исботланди. ИМК $\geq 0,9$ мм бўлган беморларда АДМА даражаси $470,9 \pm 26,5$ ни ташкил этиб, нормал ҳолатга нисбатан 4,7 марта юқори бўлди. (9-жадвал)

9-жадвал

ЭД даражаси ва қон томир девори структур ўзгаришларига қараб АДМА даражаси

Белги		АДМА нг/мл ($M \pm m$)
ИМК	$\geq 0,9$ мм	$470,89 \pm 26,52^*$
	$< 0,9$ мм	$276,06 \pm 28,64$
Атеросклеротик пиллакчалар	Мавжуд	$538,69 \pm 51,46^*$
	Мавжуд эмас	$340,95 \pm 21,95$

*Изоҳ. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли.

Корреляцион таҳлил АДМА билан ИМК қалинлиги ($r=0,62$), ИМК қалинлашуви ($r=0,58$) ва атеросклеротик пиллакчалар ($r=0,49$) ўртасида ишончли мусбат боғлиқликни кўрсатди ($p < 0,001$). ROC-таҳлил АДМАнинг қон томирлардаги структур ўзгаришларни аниқлашда ўртача диагностик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди ($AUC \approx 0,71-0,72$). АДМА даражасининг атеросклеротик пиллакчаларни аниқлашдаги диагностик аҳамияти баҳоланганда ROC-таҳлил $AUC=0,711$ ни кўрсатди, бу ўртача прогностик аниқликка мувофиқ келади.

IV-бобнинг иккинчи кичик бобида метаболик, эндотелиал ва гепатоген дисфункцияни аниқлашда асимметрик диметиларгинин даражасининг диагностик ва стратификацияловчи аҳамияти ўрганилди. Таҳлил натижалари ИР, юқори метаболик хавф гуруҳига кирувчи беморлар ва уларда МАЖСКнинг мавжудлиги АДМАнинг АДМА даражаси ортиши билан ишончли боғлиқлигини кўрсатди ($p=0,001$). (10-жадвал)

10-жадвал

ЮИК беморларда метаболик, эндотелиал ва гепатоген дисфункциялар мавжудлигига қараб АДМА даражаси ($M \pm m$)

Мезон		АДМА, нг/мл
Инсулинорезистентлик (НОМА-IR $\geq 2,5$)	Ха	$415,86 \pm 47,15^*$
	Йўқ	$363,61 \pm 23,49$
Юқори метаболик хавф (TyG $> 8,8$)	Ха	$377,24 \pm 21,87^{**}$
	Йўқ	$348,26 \pm 74,66$
МАЖСК	Ха	$417,95 \pm 26,61^{***}$
	Йўқ	$301,35 \pm 32,31$

Изоҳ: * - “Йўқ” гуруҳига нисбатан ўртача кўрсаткичлар фарқи ишончли ($^{***} - p < 0,05$; $^{**} - p < 0,01$; $^* - p < 0,001$).

МАЖСК мавжудлиги эса АДМА юқори тертилида ишончли равишда кўпроқ учрагани аниқланди ($p < 0,001$). АДМАнинг диагностик қиймати таҳлили унинг юқори даражаси (> 160 нг/мл) нохуш кардиометаболик

фенотиплар ривожланишининг энг муҳим прогностик маркери эканлигини кўрсатди (RR=12,2; Se=89,2%; Sp=81,1%). (11-жадвал)

11-жадвал

Қон зардобдаги АДМА даражасини диагностик баҳолаш

Кўрсаткичлар	АДМА < 120 нг/мл	АДМА 121–160 нг/мл	АДМА > 160 нг/мл
